

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар
миллий агентлиги директори

Д.Р. Ли

2024 йил “___” декабрь

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2025 йил I-ярим йиллиги учун
ИШ РЕЖАСИ

№	Тадбир номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Крипто-активлар айланмасини ривожлантириш соҳасида				
1.	Илғор хорижий тажрибани ва крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчи миллий провайдерлар фаолиятини ҳисобга олган ҳолда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Таклифлар ишлаб чиқиш	2025 йил I-ярим йиллиги давомида	С.Хван А.Закиров Н.Джураев
2.	Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан ҳисобот шаклларни юбориш ҳамда йиғиш билан боғлиқ жараёнларни автоматлаштириш механизмини жорий этиш.	Ташкилий-техник тадбирлар	2025 йил I-ярим йиллиги давомида	Т.Салиев Д.Опольский А.Закиров
II. Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш соҳасида				
3.	Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибга солиш соҳасидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2025 йил I-ярим йиллиги давомида	Б.Халмирзаев С.Хван Н.Джураев
III. Электрон тижоратни ривожлантириш соҳасида				
4.	Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Электрон тижорат тўғрисида”ги ва “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи Конун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2025 йил март	К.Мухаммадиев А.Закиров

5.	Электрон шаклда хизматлар кўрсатаётган, хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган хорижий юридик шахслар томонидан солик тўловлари ва қамровининг тўлиқлигини ўрганишни ташкил этиш. Ўрганиш натижаларига кўра, ушбу соҳада самарали назоратни таъминлайдиган механизмларни жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Таҳлилий маълумот	2025 йил март	К.Мухаммадиев А.Джураев А.Закиров
6.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2025 йил март	К.Мухаммадиев А.Закиров
7.	Электрон тижорат соҳасида курьерлик хизмати фаолиятини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2025 йил март	К.Мухаммадиев А.Джураев
8.	Илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасидаги низоларни онлайн тарзда ҳал этиш механизмларини жорий этиш борасида таклифлар тайёрлаш.	Таҳлилий маълумот	2025 йил март	К.Мухаммадиев А.Джураев
9.	Хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ҳалқаро тажриба асосида электрон тижорат субъектлари учун ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш.	Идоравий хужжат лойиҳаси	2025 йил июнь	К.Мухаммадиев А.Закиров

IV. Капитал бозорини ривожлантириш соҳасида

10.	Эмитентлар томонидан Корпаратив ахборотлар ягона порталада ошкор этилиши мажбурий бўлган маълумотларни ўз вақтида эълон қилинмаганлигига ёки эълон қилинмаганлигига Агентлик томонидан таъсир чораларини қўллаш механизмларини тақомиллаштириш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси.	2025 йил апрель	С.Худайбердиев М.Матчонов Т.Салиев
11.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 13.06.2024 йилдаги “Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва ундаги маблағларнинг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 331-сон қароридаги имтиёзларни қўллаш шартларига қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш: – шахсий инвестиция ҳисобварағидаги маблағларини қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтириш имкониятини яратиш; – шахсий инвестиция ҳисобварағидаги маблағларидан фойдаланиш муддати мазкур ҳисобварағига пул маблағлари биринчи ўтказилган санадан бошлаб ҳисобланишини таъминлаш; – шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтириладиган пул маблағларининг ойлик лимитини белгилаш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2025 йил июнь	С.Худайбердиев

12.	Кимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига (рўйхат рақами 2000, 30.08.2009 й.) қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини рақамлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2025 йил июнь	С.Худайбердиев Т.Салиев М.Матчонов
13.	Кимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2383, 31.07.2012 й.) мазкур қоидаларни бузганлик учун эмитентларнинг корпаратив ахборот Ягона порталидаги ҳисоб ёзувларига кириш ҳуқуқини чеклаш имкониятини яратувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2025 йил июнь	С.Худайбердиев Т.Салиев М.Матчонов
14.	Корпаратив ахборот ягона порталидан (openinfo.uz) фойдаланиш жараёниларини рақамлаштирилиши орқали: – ошкор этиш мажбурий бўлган маълумотлар ва ҳисботларни юклаш жараёнини соддалаштириш; – маълумотларни ошкор этиш муддатини мониторинг қилиш имконияти яратиш; – маълумотларини эълон қилиш жараёнида модератор иштирокини камайтиришга қаратилган эмитентлар ҳисоб ёзувини такомиллаштириш.	Ташкилий-техник тадбирлар	2025 йил май	С.Худайбердиев М.Матчонов Т.Салиев
15.	Инвестицион воситачиларнинг ҳисоб регистрини онлайн форматда юритишни, шу жумладан Инвестицион воситачилари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида статистик ҳисботларни шакллантиришни таъминловчи “Edocs” порталини ишга тушириш.	Ташкилий-техник тадбирлар	2025 йил март	С.Худайбердиев М.Матчонов Т.Салиев
V. Суғурта бозорини ривожлантириш соҳасида				
16.	Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни (рўйхат рақами 1882, 15.12.2008 й.) Суғурта назорати халқаро ассоциациясининг асосий суғурта тамойиллари ва стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2025 йил март	Ш.Абдурахманов
17.	Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни (рўйхат рақами 1806, 15.12.2008 й.) Суғурта назорати халқаро ассоциациясининг асосий суғурта тамойиллари ва стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2025 йил июнь	Ш.Абдурахманов
18.	Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларини таъминлаш билан боғлиқ суғурта шартномаларининг шартларига қўйилиши лозим бўлган энг кам талабларни ишлаб чиқиш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2025 йил апрель	Ш.Абдурахманов
19.	Ўзбекистон Республикасининг табиий оғатлар хавфини молиялаштириш миллий стратегиясинининг дастлабки лойиҳасини Жаҳон банки дастури доирасида халқаро эксперктларни жавлб қилган ҳолда ишлаб чиқиш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2025 йил июнь	Ш.Абдурахманов

20.	Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида суғурта хизматлари кўрсатилиши сифати бўйича суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва юритиш модулини ишлаб чиқиши.	Ташкилий-техник тадбирлар	2025 йил июнь	Ш.Абдурахманов Т.Салиев Д.Опольский
21.	Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида суғурта соҳасида кадрларни бошқариш модулини ишлаб чиқиши.	Ташкилий-техник тадбирлар	2025 йил февраль	Ш.Абдурахманов Т.Салиев Д.Опольский
22.	Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали суғурта даъволарини мониторинг қилиш функциясини ишга тушириш.	Ташкилий-техник тадбирлар	2025 йил март	Ш.Абдурахманов Т.Салиев Д.Опольский

VI. Ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида

23.	Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида хуқуқбузарлик содир этиш хавфини аниқлаш бўйича «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизими модулини ишлаб чиқиши.	Ташкилий-техник тадбирлар	2025 йил февраль	Т.Салиев Д.Опольский С.Хван Ш.Абдурахманов С.Худайбердиев
-----	--	---------------------------	------------------	---

VII. Ҳалқаро ҳамкорлик соҳасида

24.	Икки томонлама келишувлар доирасида қўшма тадбирларни ўтказиш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Халқаро суғурта назорати ассоциацияси (IAIS) билан ҳамкорликни кенгайтириши.	Ташкилий тадбирлар	2025 йил I-ярим йиллиги давомида	Б.Халмирзаев
25.	Минтақадаги регуляторлар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, маълумот алмашиш ва тартибга солиш соҳасида фаолиятларни мувофиқлаштириш, шунингдек, тегишли соҳаларда тажриба алмашиш мақсадида англашув меморандумни имзолаш.	Ташкилий тадбирлар	2025 йил I-ярим йиллиги давомида	Б.Халмирзаев А.Закиров

VIII. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалар билан ҳамкорлик соҳасида

26.	Оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, шунингдек, қўйидаги йўналишларда матбуот учун брифинглар, тематик дастурлар ва кўрсатувлар ташкил этиш орқали: – кенг жамоатчиликни Агентлик фаолияти натижалари билан доимий таништириб бориш; – криpto-активлар айланмаси ва капитал бозори соҳаларида аҳолининг молиявий саводхонлигини, шунингдек суғурта маданиятини ва аҳолининг суғурта хизматларига ишончини ошириш; – мамлакатимизда Агентлик фаолиятининг барча йўналишларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли эътиборига етказиши.	Ташкилий тадбирлар	2025 йил I-ярим йиллиги давомида	Д.Сабирова
-----	---	--------------------	----------------------------------	------------

IX. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида				
27.	Коррупцияга қарши курашиш борасидаги ички идоравий механизмларни кучайтириш мақсадида коррупциявий хавф-хатарлар бўйича баҳолаш ўтказиш ҳамда коррупцияни олдини олиш ва коррупция хавфини камайтириш бўйича Дастурни ишлаб чиқиши.	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	2025 йил февраль	А.Исмоилов Ш.Сирожиддинов
X. Ходимлар малакасини ошириш соҳасида				
28.	Кадрлар салоҳиятининг касбий савиясини ошириш мақсадида Агентлик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, замонавий услублардан фойдаланган ҳолда жамоада қулай маънавий-руҳий мухитни шакллантириш масалалари бўйича тренингларни ташкил этиши.	Чора-тадбирлар режаси	доимий	Ш.Сирожиддинов

Ташкилий назорат бўлими бошлиғи

Д. Менглиев

Келишилган:

Агентлик директорининг биринчи ўринбосари

В. Пак

Агентлик директорининг ўринбосари

Д. Максудов

Агентлик директорининг ўринбосари

О. Файзиев